



Государственная инспекция по карантину растений Республики Каракалпакстан

-----  Турдышов Аманбай Жаксыбаевич	Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси раҳбари	
	Манзил:	Нөкис шаҳар, Т.Қайипбергенов кучаси 39
	E-mail: Телефон:	nukus@karantin.uz , nukuskarantin@exat.uz 0(361) 222-05-13
	Қабул кунлари:	Шанба 10:00-13:00

 Уббиниязов Дарьябай Даулетназарович	Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси раҳбари ўринбосари-бош агроном	
	Манзил:	Нөкис шаҳар, Т.Қайипбергенов кучаси 39
	Телефон:	0(361) 222-05-12
	E-mail:	nukus@karantin.uz , nukuskarantin@exat.uz
Қабул кунлари:	Жума 10:00-13:00	

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси бошлиғининг функционал вазифалари

- Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши қарорлари ва буйруқларининг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилишга бевосита раҳбарлик қилади.

- инспекция фаолиятини бошқаради;

инспекцияга юклатилган вазифаларни бажарилиши учун шахсан жавоб беради, уюшқоклик ва тегишли хизмат интизомини, шуниндек иш юритилишини тугри олиб борилишини таъминлайди;

- ваколлати доирасида буйруқ чиқаради, туман ва шаҳар агроном инспекторларига топшириқ ва кўрсатмалар беради;

- бошқарманинг штат бирликлари, ва лавозим вазифаларини тасдиқлайди;

- амалдаги меҳнат қонунчилигига асосан инспекция ходимлари ва мутахассисларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

- кадрлар билан тарбиявий ишларни олиб боради;

- алоҳида ютуқларга эришган ходимларни белгиланган тартибда тақдирлашга таклиф қилади;

- тасдиқланган сметалар доирасида маблағлардан фойдаланади;

- штат бирлигига амал қилади, пул маблағлари ва материал бойликларни сақланишини таъминлайди;

- усимлик карантини масалалари бўйича фуқароларни қабул қилади;

- Республика худудини чет мамлакатлардан кириб келип халк хужалигига катта иктисодий зарар келтириши мумкин булган карантиндаги ва бошка хавфли зараркунандалардан, усимлик касалликларидан ва бегона утлардан мухофаза қилиш уларни вақтида аниқлаш, ёйилишига йул куймаслик ва улардан батамом йук билан бирга, Республиканинг бу зараркунандалар, усимликлар кассалликлари ва бегона утларидан холи минтакаларга уларнинг кириб боришини олдини олиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

Республикага кириб келиётган (импорт) , мамлакатимиздан экспорт қилинаётган, транзит булип утаётган ва уруглик, усимлик махсулотларидан ва бошка халкхужалигида истеъмол қилинадиган карантин остидаги махсулотлардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

- усимликлар карантини худудий инспекцияда ташкилий-хўжалик ишларини ташкил қилади ва назоратини олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини худудий инспекцияси бошлиқ ўринбосари-бош агрономининг функционал вазифалари

- Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши қарорлари ва буйруқларининг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилишга бевосита раҳбарлик қилади.

- туман ва шахар, ЎКЧМ агроном инспекторлари тамонидан такдим этиладиган чораклик, ярим йиллик, 9-ойлик ва йиллик ҳисобатларни қабул қилади, умумийлаштиради ва юқори ташкилотларга такдим этиш учун тайёрлайди.

-ҳудудий инспекциянинг ижро интизомига жавоб беради, инспекцияга тушган хатлар ва хужжатларга жавоб тайерлайди, ҳамда уни бошлиқ хизмат сафарида бўлган вақтда имзо куяди, ҳудудий инспекцияда агроном инспекторларин ўқув семинарлари ва аттестация ўтказишда керакли хужжатларни йигади ва ташкилаштиради;

- карантин организмларини тоза ҳудудларга таркалишини олдини олиш, уларни йук килишда иштирок этиш аникланган майдонларда зарур чора-тадбирлар куришдан иборат. Чет давлатлардан келадиган карантин остидаги юклар ва транспорт воситаларни зарарсизлантиришни ташкил этади.

-фукораларни қабул килиш, аризалар ва мурожаатларнинг уз вақтида каралишини ҳамда жавоб берилишини таъминлайди;

- инспекция бошлиғи йўқлиги вақтида инспекция фаолиятига раҳбарлик қилади.